

БИТИРУВЧИЛАРНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА ЯНГИ ТИЗИМ ЯРАТИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев олий ўқув юртлари битирувчилари бандлигини таъминлаш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Охирги етти йилда қабул 4,5 баробар ошиб, ёшларнинг олий таълим билан қамрови 42 фоизга етган бўлса-да, кадрлар тайёрлаш тизими реал эҳтиёжга мос эмас.

Мисол учун, Жиззахдаги “BYD” заводиди 100 та вакант бор. Шунинг тўртдан бири — робототехника ва бўёқлаш, роботларни дастурлаш муҳандислари. Завод тўлиқ қувватга ўтса, малакали кадрларга талаб янада ортади.

Олий таълимда ўқитилаётган кадрлар билан иш берувчилар талаби ўртасида фарқ катта. Оқибатда корхоналар четдан тайёр мутахассис жалб қилишга мажбур бўляпти. Ҳар бир талабани олийгоҳда ўқитиб, мутахассис қилиб тайёрлаш учун давлат йилга 25-30 миллион сўм сарфляпти. Лекин тўрт йил умрини сарфлаб, диплом олган ёшларнинг ярмидан кўпи оддий-оддий ишларда банд.

Сўнгги йилларда 40 та олий ўқув юртига молиявий муштақиллик берилгани самарасида иқтисодиёт, ҳуқуқшунослик, тиббиёт, хорижий тиллар ва педагогика йўналишидаги мутахассисларнинг ўз маблагга пайдо бўлди. Лекин қишлоқ ҳўжалиги, ветеринария, муҳандислик, аниқ ва табиий фанлар йўналишлари ёшлар учун жозибдор эмас.

Тармоқлар билан боғлиқлиқни ошириш мақсадида 25 та муҳандислик билим юрти ҳамкор корхоналарда 438 та кафедра очди. Масалан, нефть-газ тармоғи таълим-ишлаб чиқариш кластерларини ташкил қилган. Шундай амалиёт натижасида Бухоро техника университети-нинг 2 мингдан зиёд битирувчиси ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлашган. Илмий тадқиқотни тижоратлаштириш 10 қарра ошган.

Яқин йилларда мамлакатимизда 83 миллиард долларлик йирик лойиҳалар ишга тушиши режалаштирилган. Уларнинг ҳисобига санаотнинг ўзиди 500 мингга яқин мутахассисга эҳтиёж пайдо бўлади.

Масалан, Бухоро вилоятида йирик газ-кимё мажмуаси қурилмоқда. Хорижий компаниялар билан ҳамкорликда Ўстюртда катта лойиҳалар бошланмоқда.

Буларнинг барчаси олий таълимни соҳалар талаби даражасига кўтариш, кадрлар тайёрлаш сифати ва ёшлар бандлиги қамровини жадал оширишни талаб этади.

Йиғилишда давлатимиз раҳбари бу борадаги янги ташаббусларни маълум қилди.

Энди қиймати 1 миллион доллардан, ишчилар сони 50 тадан кўп бўлган лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асосида соҳалар ва йўналишлар кесимида мутахассисларга эҳтиёж кўрсатилади. Бу орқали масул вазир ва тармоқ раҳбари олий ўқув юртига буюртма жойлаштириб, кадрларни мақсадли тайёрлашни йўлга қўяди.

Бунда ректорлар буюртма асосида ўқиётган талабалар учун асосий фанлардан ташқари, қўшимча таълим модулларини жорий қилади. Уларни ўқиган талабаларга кредит баллари берилади.

Талабаларнинг билими иккинчи курсдан кейин уларни ишга олмоқчи бўлган инвесторлар иштирокчи йиллик баҳоланади. Битирувчи диплом ишини лойиҳада қўйилган масалалардан келиб чиқиб, ҳимоя қилади. Бир сўз билан айтганда, инвестор талабига мос битирувчилар кафолатли ишга олинадиган бўлади.

Меҳнат муносабатларида хусусий сектор учун манфаатли тизим яратилмоқда. Энди битирувчини ишга олганлик учун тадбиркорлик рейтингига қўшимча балл берилади. Олий таълим муассасаси уларни бўш ўрин бор корхонага йўналтиради.

Йиғилишда ректорлар ваколати ва масъулиятини ошириш масаласи кўриб чиқилди. Шу мақсадда Янги Ўзбекистон университетининг

ЎЗА

БАРҚАРОР ЭНЕРГИЯ ҚУВВАТЛАРИНИ ЯРАТИШ БЎЙИЧА КЎРСАТМАЛАР БЕРИЛДИ

Давлатимиз раҳбарига Тошкент шаҳрида энергетика тизимининг барқарорлигини таъминлаш чора-тадбирлари бўйича ахборот берилди.

Пойтахтимизда аҳоли сони ҳам, бунёдкорлик қўлами ҳам ошиб бормоқда. Бир йил ичида 12 мингта янги қувват, савдо ва сервис мажмуалари ишга тушди. Одамларнинг турмуш тарзи яхшиланиб, маиший техникалардан фойдаланиш кўпайяпти.

Буларнинг барчаси энергияга талабни оширади. Шуни ҳисобга олиб, охирги икки йилда Тошкентда электр таъминотини яхшилаш учун 2 триллион 800 миллиард сўм йўналтирилган. 36 та подстанция, 665 та трансформатор, 2 минг километрдан зиёд тармоқ янгиланган.

Лекин ҳали қилинадиган ишлар кўп. 46 та подстанция ва 207 та трансформатор ортқича юклама билан ишлаяпти. Йил бошидан бери пойтахтимизда электр истеъмолчилари яна 40 мингтага кўпайган, талаб 6 фоиз ўсган.

Шу билан бирга, илгари ёздаги жазирама кунлар давомийлиги бир ҳафтадан ошмаган бўлса, бу йил 20 кунгача чўзилган. Оқибатда июль ойида Тошкент шаҳрида истеъмолчилари 900 миллион киловатт-соатдан ошган.

Бу омиллар модернизация жараёнларини изчил давом эттиришни талаб қилади. Тақдимотда энергетика вазирлиги пойтахтимиздаги ҳар бир туман ва маҳаллалар кесимида режаларни баён қилди.

Унга кўра, бу йил биринчи босқичда 374 километр тармоқ, 11 та подстанция, 62 та трансформаторни янгилаш қўзда тутилган. Келаси йил яна 788 километр тармоқ, 35 та подстанция ва 145 та трансформатор модернизация

ИККИ ТОМОНЛАМА АЛОҚАЛАР ЯНАДА МУСТАҚКАМЛАНАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 8 август куни Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан телефон орқали мулоқот қилди.

Икки томонлама ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар кўриб чиқилди.

Россия Президенти 6 август куни Москва шаҳрида АҚШ Президентининг махсус вакили Стивен Уиткофф билан ўтказилган музокараларнинг асосий натижалари ҳақида маълум қилди.

Олий даражадаги келишувларни амалга ошириш доирасида Ўзбекистон — Россия кенг қамровли стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада ривожлантириш ҳамда мустақамлашнинг амалий жиҳатлари ҳам муҳокама қилинди.

Ўзаро товар айирбошлаш ва инвестиция кўрсаткичларининг ўсиш суръатини таъминлаш, иқтисодиётнинг устувор тармоқларида кооперация лойиҳаларини жадаллаштириш, ҳудудлар даражасида сермахсул алоқалар, ишбилармонлик ва гуманитар алмашинувларни давом эттиришга қаратилган мувофиқлаштирилган чора-тадбирларни қабул қилишга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон ва Россия етакчилари бўлажак учрашув ҳамда тадбирлар режасини ҳам кўриб чиқдилар.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН ҚУРУВЧИЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Хурматли қурувчилар, муҳандис ва мутахассислар, соҳа фахрийлари!

Авалло, сиз, азизларни бугунги кутлуг касб байрамингиз билан самимий табриклаб, барчангизга юксак хурматим ва эзгу тилакларимни изҳор этаман.

Сизлар каби минг-минглаб моҳир қурувчи ва муҳандислар, уста ва меъморлар, лойиҳачи ва мутахассисларнинг машаққатли меҳнати билан Янги Ўзбекистоннинг янги, обод ва кўркам қиёфаси шаклланимиз, халқимизнинг ҳаёти тобора фаровон бўлиб бормоқда. Бунинг учун барчангизга чин дилдан миннатдорлик билдирамиз.

Кейинги йилларда қурилиш индустрияси ривожга янги босқичга кўтарилиб, ушбу соҳа миллий иқтисодиётимизнинг драйверларидан бирига айланди. Сўнгги саккиз йил давомида қурилиш ишлари ҳажми бир неча баробар ортиб, 2016 йилдаги 30 триллион сўмдан 2024 йилда қариб 234 триллион сўмга етгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Ўтган йили юртимизда жами 40 миллион 500 минг квадрат метр бино ва ишоот қурилган бўлса, жорий йилда ушбу рақам 45 миллион квадрат метрдан ошиши кутулимоқда.

Халқимизнинг ўсиб бораётган талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб, 2024 йили 100 мингдан зиёд хонадонга эга бўлган 2 минг 44 та кўп қаватли уй барпо этилди. Бугунги кунда аҳоли жон бошига тўғри келадиган уй-жой ҳажми 2020 йилдаги 16 квадрат метрдан 19 квадрат метрга етганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Эътиборлиси, бу борадаги ишлар изчил давом эттирилиб, 56 та ҳудуддаги “Янги Ўзбекистон” массивларида қурилиш ишлари жадал олиб боришмоқда. Жорий йилда халқимиз иҳтиёрига 135 мингта хонадон топширилади. 2030 йилгача “Янги Ўзбекистон” массивлари сонини 100 тага етказиш мақсад қилинган, бу эса 250 мингта хонадон дегани.

Дунёнинг илгор компаниялари билан ҳамкорликда “Янги Тошкент” лойиҳаси доирасида 20 минг гектар майдонда 2 миллион аҳоли учун қулай инфрамузаси яратилмоқда.

Айни вақтда Янги Тошкент шаҳри қурилишининг биринчи босқичида Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, Янги Ўзбекистон университети, Алишер Навоий номидаги халқаро илмий-тадқиқот маркази, музейи, иқтисослаштирилган мактаб ва маком маркази, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети каби йирик бино ва ишоотлар қад ростламолмоқда.

Буларнинг барчаси қўлгул бунёдкорларимиз қандай улкан марраларга эришаётгани аққол намоён этади.

Қадрли дўстлар!

Бошқа соҳалар қатори қурилиш тармоғида ҳам давр талаби асосида рақамлаштириш жараёни жадал ривожланимиз. Соҳада 30 дан ортқ ахборот тизими жорий қилинди. “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизимида 22 та давлат хизмати рақамлаштирилгани натижасида ортқича қозғобозлик ва оворагарчиликларга чек қўйилди. Тендер платформаси жорий этилиши туфайли инсон омилининг аралашуви

барҳам берилди, шаффофлик, очиқ рақобат муҳити шакллантирилди.

Уй-жой қурилишда улушдор сифатида иштирок этадиган фуқароларимизнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида “Эскроу” тизими татбиқ этилмоқда. Шу асосда ишончли девелоперлар бозори шакллантирилди.

Бугунги кунда шаҳарсозлик соҳасида ҳам янги давр бошланди, десак, тўғри бўлади. Эндиликда боз режалар мутлақо янги маъзун ва кўринишда ишлаб чиқилиб, геоахборот тизимига жойлаштириш учун рақамлаштирилмоқда. Хусусан, 2024 йилда 146 та шаҳарсозлик ҳужжатлари рақамлаштирилди. 2025 йилда ушбу кўрсаткич 180 тага етказилади.

Қурилиш ресурслари миллий классификатори яратилиб, нархларни шакллантириш ва объектлар смета қийматини аниқлаш ҳам электрон тизимга ўтказилмоқда.

Қурилиш жараёнларининг барча босқичларида жамоатчилик фикрини инобатга олиш, назорат жараёнида иштирокини таъминлаш ҳамда қурилиш сифатини яхшилаш мақсадида назорат механизмлари самарадорлигини ошириш муҳим аҳамиятга эга.

Шу борада назорат фаолиятини тўлиқ рақамлаштириш, объектларда ишларнинг боришини қунилик назорат қилиб бориш ҳамда реал вақт режимида кузатиш имконини яратган ҳолда камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш соҳа вакиллари олдида турган муҳим вазифалардан биридир.

Аминманки, сизлар бугунги замоннинг ўзи олдимизга қўяётган ана шундай

муҳим талабларни чуқур англаб, юксак натижадорлик билан меҳнат қиласизлар. Заҳматқаш қурувчиларимизнинг меҳнат ва турмуш шaroитларини яхшилаш, уларни муносиб рағбатлантириш масалалари бундан буён ҳам доимий эътиборимиз марказида бўлиб қолади.

Ҳар бир қурулган бино — бу бизнинг келажак авлодларга қолдирадиган буюк меросимиз, ҳар бир кўча ва шаҳарчанинг кўринишида сизларнинг қўл изингиз борлигини, инсонлар бахти ва қувончи айнан сизларнинг меҳнатингиз билан боғлиқлигини ҳеч қачон унутманг.

Янги Ўзбекистонни бунёд этишда олдимизда замонавий шаҳарлар, қулай турар жой массивлари, инсонларга шодлик бахш этувчи бетакор иморатлар қуриш каби улкан вазифалар турибди ва буни амалга оширишда биз сиздек — муъжизакор, моҳир ва заҳматқаш қурувчиларимизга ишонамиз ҳамда суянамиз!

Хурматли қурувчилар!

Сизларни — мамлакатимизни ҳар томонлама гўзал ва бетакор диерга айлантиришдек шарафли ишга сидқидилдан ҳисса қўшиб келаятган барча юртдошларимизни бугунги байрам билан яна бир бор чин юракдан мубораққод этаман.

Эр-юртимиз равнақи ва фаровонлиги йўлида сиз, азизларга янги ютуқ ва омадлар ёр бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

МАНЗИЛГА АНИҚ ЙЎЛЛОВЧИ МАЁҚ

ЖОЙ КЎРСАТКИЧЛАРИГА ДОИР ҚАТЪИЙ ТАЛАБЛАР КАТТА ҚУЛАЙЛИК ЯРАТАДИ

Мени доим бир муаммо қийнайди. Уйга такси чақирганда ёки олисдан меҳмонлар келса, ҳар қанча тушунтирсам ҳам улар манзилларини тўғри топиб кела олмайди. Кўп ҳолларда ёнимиздаги берк кўчанинг охирига бориб такалиб қолади. Айримларига қайта тушунтирганимдан сўнг топиб келади. Аммо одатда ўзим уларнинг ёнига боришга мажбур бўламан. Ҳа, нима қилибди, шу ҳам фожиами, дейишга шошилманг.

Чунки фавуқулда ҳолатларда, масалан, кимнингдир соғлиғи ёмонлашганда ёки тасодифан ёнгин содир бўлганда ҳар бир дақиқанинг қадрли олтинга тенг бўлади. Яъни бу чалкашлик катта фожиаларга ҳам сабабчи бўлиши мумкин. Бу биргина менинг эмас, кўп қаватли уйимизда яшовчи ўнлаб қўшниларимизнинг ҳам дарду таъшишидир.

Давоми 2-бетда



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРЛАРИ

ЎЗ КАСБИ ВА ФАОЛИЯТИДАН ФУРУРЛАНАДИ

2

“SEA BREEZE UZBEKISTAN” — МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЯГОНА ВА НОЁБ ЛОЙИҲА

Макроиқтисодий нукта назардан, Тошкент вилоятининг Чорвоқ ҳудудига амалга оширилаётган “Sea Breeze Uzbekistan” лойиҳаси иқтисодий диверсификация ва узок муддатли ўсишни таъминлашда муҳим бурилиш нуктаси бўлиши табиий. Озарбайжоннинг “Agalarov Development” компанияси ва маҳаллий инвесторлар ҳамкорлигидаги “Sea Breeze Uzbekistan” қўшма корхонаси томонидан 5 миллиард АҚШ доллари миқдориди инвестиция киритилиши режалаштирилаётган лойиҳа мамлакат туризм соҳасидаги энг йирик тўғридан тўғри хорижий инвестициялардан биридир.

Давоми 3-бетда



Муҳаммадҷон ҚУРОНОВ,
Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар
институтини директори ўринбосари,
педагогика фанлари доктори

2025 йил 1 сентябрь кунин
Ўзбекистон мустақиллиги
эълон қилинганига 34 йил
тўлади. Истиклол йиллари
мамлакатимиз учун нафақат
сиёсий ва иқтисодий, балки
ижтимоий-маънавий, таълим-
тарбиявий йўналишларда ҳам
миллий юксалишнинг шарафли
34-довони бўлди.

Миллат оталари ардоқлаган фазилатлар

Мустақиллик бизга юксак ифтихор ва маънавий қудрат булоқларини очиб берди. Дунё аҳли тан бериб, эҳтиром қилган Биринчи ва Иккинчи Ренессанс қаҳрамонларини қайта танидик. Тамаддулнинг Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Маҳмуд Замаҳшарий, Муҳаммад Хоразмий, Имом Бухорий, Абу Наср Форобий, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий каби сарбонларини санасак, бутун силсила намён бўлади.

Бугунги тушунчалар, ўлчамлар билан қиёсласак, улар дунё тургунчалик шухрат соҳиблари. Бунга заррача шубҳаси борлар шу кунларда бунёд этилаётган Ўзбекистондаги Ислоҳ цивилизацияси марказини бориб кўрсин. Унинг фусункор биноси, заллари маҳаббатдан ҳайратга тушибди, болаларимизнинг инсоният тамаддунига берган илмий кашфиётларидан руҳланиб, гурурланиши аниқ. Бугун ана шу улуг аждодларимизни мамун эслаб, нигоҳимизни юқорига — “Ўзбекистон — 2030” деган нуктага тикамиз. Чунки юртимиз тараққиётини янги босқичга кўтариш, буюк болаларимизга муносиб ғайрат ва шижоат кўрсатиш навбати бугунги ўғил-қизларимизга етди.

Ёшларда қайси фазилатларни тарбиялаш масаласи бизда доим аниқ ва долзарб бўлиб келган. Шунга тарихий мисол. Ёшлар тарбиясига “давлат бюуртмаси”ни ўз замонаси зайлидан келиб чиқиб, Амир Темур бундай белгиланган эди: **“Тажрибамда кўрилган-ким, азми қатъий, тadbиркор, ҳушёр, мард ва шижоатли бир киши мингта тadbирсиз, лоқайд кишидан яхшироқдир”**. Демак, ўзига ишониб топширилган масъулиятли ишларни бажара олиши учун ёшларда муайян фазилатлар шакллантирилиши керак. Шакллантиришда ҳам назарий

эмас, балки амалий, яхши, фойдали ҳуқларни кўрсатиб, ўргатиб, машқ қилдириш талаб этилади. Чунки гўзал фазилатлар ҳақида гўзал ҳикоялар айтилса, бироқ амалиётда қўлланмаса, машқ қилдирилмаса, шунчаки билим бўлиб қолаверади. Хулққа кўчмади, фитратга сингмайди. Ана шунинг учун Президентимиз Янги Ўзбекистоннинг келажагини бугунги рақамли авлодга мансуб ўғил-қизларнинг фазилатлари билан боғлаб, **“Фарзандлари билимли, соғлом, мард ва жасур, доимо олдинга интилиб ишайдиган халқ ва давлатнинг келажаги, албатта, ёруғ бўлади”**, деб таъкидлайди.

XXI асрнинг биринчи чорасига келиб, ёшлар компетенциялари, фазилатлари ҳар қандай шахс, миллат, мамлакатнинг муваффақият калити экани маълум бўлди. Бу фазилатлар йигит-қизларнинг инсон капиталини ташкил қилади. Жамият тараққиёти учун маънавий куч, асос вазифасини ўтайди. Агар Президентимиз айтган беш фазилатни ихлос ва илм билан натижалли қилиб шакллантирсак, ёшларимиз оламшумул ихтиролар қилишга қодир. Бунинг исботини тез-тез кўрапмиз ҳам. Демак, бу беш фазилатни бугуннинг маънавий-ахлоқий вақфинаси деб билиб, болаларимиз хулқида кўришимиз шарт. Эскичасига, яъни “катта бўлса, бир гап бўлар”, деган тушунча ярамайди. Айнан “ҳозир ва шу ерда”, уларнинг муомаласида, кичик-кичик ишларида, хулқида, стартапларида шу фазилатларни кўриб, хотиржам бўлишимиз керак. Ўзбекининг “бола — бошдан” деган серҳикмат мақоли биздан шунини талаб қилади.

Инсон капитали

Бунинг учун зарур шарт-шароит, ҳуқуқий асослар яратилган. Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Конституцияси, “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонун, Сенат ҳузурида Ёшлар парламенти ташкил этилгани бунинг исботи. Ўзбекистон БМТнинг “Ёшлар — 2030” стратегиясини амалга ошираётган 10 та давлат қаторидан ўрин олди. Янги, замонавий давлатга тегишли ҳамда нодавлат бoғча, мактаб, касб-хунар, профессионал таълим муассасалари, олий ўқув юрталари барпо этилди. Хорижий мамлакатлар ОТМларининг филиаллари очилди. Болаларимиз бугун 200 дан зиёд олийгоҳда таълим-тарбия олмақда.

Болаларимиздан келаётган китобга эъзоз аънаси қайта тикланди. “Беш муҳим ташаббус” ёшларимизга қанот берапти. Худудларга борсангиз, “Ёш китобон” танаови ёғилибларини, уларга берилган “Президент совғаси”, деб ёзилган енгил автомобилларни кўриб, мамнун бўласиз.

Инсон қадрини ошиб, билими зўр, бироқ иқтисодий имконияти чекланган оилаларда давлат кўмак қўлини узатади. Қизларимизга ўқий учун берилган ёрдамдан миннатдор

оилалар сони йил сайин ортиб борапти. Ота-оналар кўзда қувонч ёши билан дуо қилмоқда. Бу юртимизда инсон капиталини ошириш юксак даражага кўтарилганидан далолат эмасми?!

Бу бежиз эмас. Президентимизнинг **“Ҳозирги замон ва янги Ўзбекистон”** номи китобини ўқинг. Китобнинг 67-бетига



бунинг сабаби очиб берилган. **“Дунёдаги бойликнинг 16 фоизини ишлаб чиқариш воситалари, 20 фоизини табиий бойликлар ва қолган 64 фоизини одамларнинг билим, кўникма ва қобилияти ташкил қилади”**, дейилади китобда. Демак, ёшларимизнинг бугунги билими эртага янги Ўзбекистон бойлигига айланади. Чунки билим, малака ва компетенциялар монетизациялашади, капиталлашади. Яъни **билим ўзининг эгасини, эгасининг ватани — Ўзбекистонини бой қилади**. Бунинг учун фарзандларимиз эртага билими капитал келтирадиган зўр шифокор, зўр муҳандис, зўр олим, зўр ахборот технологиялари мутахассиси бўлиб етишиши керак. Шу мақсадда кўтарилган “Таълим — келажакка сармов” ғояси асосида дунёнинг илгор 300 талигига кирувчи олийгоҳларда ўқитган ёшларга имтиёзли кредитлар берилмоқда.

Энди Ўзбекистон мактабларининг ўқувчилари танлаган касбидан қатъи назар, тadbиркорлик компетенциясига эга бўлиб чиқади. Бунинг учун уларнинг тadbиркорлик қобилияти илмий асосда аниқланиб, мақсадли шакллантирилади. Ўсимлар “Амаки, менда бир ғоя бор. Қўллаб-қувватланг, илтимос”, деб қийналиб юрмайди. Стартлап лойиҳалар мактаблардан бошланиб, ғояларни амалга ошириш учун 100 миллиард сўмгача грант ажратиладиган бўлди. Бу илм-фан томонида қўллаб-қувватланади. Шу мақсадда Қори Ниёзий номидаги Тарбия педагогикаси миллий институтини томонидан бизнес педагогика назарияси ва методикаси ишлаб чиқилмоқда.

“Илм — тарбия — инновация” замири яратилаётгани тўғрисида 2024 йили Ўзбекистон ёшлари илгор 500 таликдаги олийгоҳларга ўқишга кириш бўйича Марказий Осиёда 1-ўринни эгаллади. Маълумотларга қараганда, 1500 дан зиёд иқтидорли ўзбек ўғил-қизини дунёнинг нуфузли олийгоҳларида тахсил олмақда. Фарзандларимизнинг сифатли таълим ва миллий

тирилди, 3000 дан ортиқ янги мактаб биноси қурилди ва мавжудларни капитал таъмирланди. Умумтаълим муассасаларида замонавий ўқув лабораториялари, компьютер синфлари очилди. 2018 йилдан ўқитувчиларнинг малакасини ошириш ва моддий қўллаб-қувватлаш бўйича алоҳида дастурлар ҳаётга жорий этилди. Шу билан бирга, умумий ўрта таълимнинг миллий ўқув дастурлари янгиланиб, рақамли технологиялар кенг қўллана бошлади.

Олий таълим соҳасида мамлакатда хорижий университетлар филиаллари очилиши орқали халқро қамқорлик кенгайтирилди. Қабул квоталари кескин оширилиб, ёшларнинг олий таълим олиш имкониятлари яхшиланди. Олий таълим муассасаларида кредит-модул тизими жорий этилиб, таълим жараёнини халқро андозалар даражасига яқинлаштириш чоралари кўрилди. Шунингдек, олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг малакасини ошириш бўйича миллий ва халқро дастурлар йўлга қўйилди.

Нажот — тарбияда

2024 йил 21 июнда Қори Ниёзий номидаги Тарбия педагогикаси миллий институтини ташкил қилиниши фарзандларимиз тарбиясига қаратилган юксак эътибор ва ғамхўрликнинг яна бир намунаси бўлди. Мамлакатимиз илм-фани намояндалари, педагог олимлар, мурабий ва устозлар, ота-оналар, кенг жамоатчилик бу воқеани катта хурсандлик билан қутиб олди.

Тарбия педагогикаси — ўзига хос педагогик инжиниринг. Яъни тарбия жараёнини лойиҳалаш, моделлаш ва самарали бошқариш бўйича инновацион илмий-амалий ёндашувдир. Бунда тарбия тизим сифатида тушунилади. “Муҳандислик” асосида режалаштирилади, болалар хулқининг таркибий қисмлари аниқланиб, ўзаро боғланади ва тарбиявий натижа кафолатли белгиланади. Бу эса Президентимиз ёшларимиздан қутаётган маънавий-ахлоқий фазилатларни: миллий гуруру, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, масъулият, интизом, адолатчилик, инсонпарварлик каби фазилатларни илмий асосда ўлчаш, баҳолаш ва ривожлантириш имкониятини оширади.

Янги институт ўзининг янги ғоялари, ташаббуслари билан оилаларга, бoғча ва мактабларга кириб бормоқда. Жумладан, аҳоли орасида бoғча ва мактаб болаларини тарбиялаш бўйича илмий, илмий-оммабоп, маърифий адабиётлар асосида педагогик китобхонлик тарғиботи йўлга қўйилмоқда. Ота-оналарнинг педагогик маданиятини ошириш мақсадида “Миллий тарбиямиз хазинасидан дурдоналар”, “Ота-она — мурабий”, болалар учун “Чўнтак китоблари” ва бошқа халқлик тилдаги адабиётлар яратилди.

Президентимизнинг 2025 йил 15 майдаги “Болалар учун мўлжалланган миллий контентлар яратиш ва уларни оммалаштиришни қўллаб-қувватлаш чора-тadbирлари тўғрисида”ги қарори билан болалар контенти масала-

сига алоҳида эътибор қаратилди. Ушбу қарор асосида Болалар контентини ривожлантириш маркази билан Қори Ниёзий номидаги Тарбия педагогикаси миллий институтининг доимий ҳамкорлиги йўлга қўйилди. Бу эса Президентимиз қароридан белгилангандек, болалар контентининг таълим-тарбиявий самарадорлигини оширишга қаратилган изчил илмий-педагогик ҳамкорликка қонуний асос яратди.

Бугунги мактабгача, умумий ўрта ва олий таълим муассасаларида ўзликни англаш ҳамда ватанпарварликни ривожлантиришга қаратилган, ягона, узлуксиз маънавий-маърифий тарбия тизимини яратиш борасида ишлар бажарилмоқда. Ушбу илмий-педагогик инновация ҳам мустақиллигимизнинг 34 йиллигига янги, технологик совға бўлса, ажаб эмас.

Табрикдаги меҳр

Шу йил Ёшлар кунинда Президентимиз ёшлар билан учрашди. Давлатимиз раҳбарининг самимий, меҳр тўла табриғи ҳар бир йигит-қиз қалбига илҳом бағишлади. Бу оддий табрик эмас, балки миллат отасининг мамлакат ёшларига қаратилган ишонч, масъулият ва ватанга муҳаббат ҳақидаги олий даъвати бўлди.

Президентимиз ёшларга юзланиб: **“Янги тарихни сизлар ёзасиз. Янги Ўзбекистонни сизлар барпо этасиз. Сизлар бизнинг фахримизсиз, орзу-ўмидимизсиз”**, деб таъкидлади. Бу гаплар ёшлар учун фақат мактов эмас — юксак ишонч. Бу ишончни оқлаш учун эса фақат билим олиш кифоя қилмайди. Ватанини севish, ҳимоя қилиш, ўз устиди ишлаш, халққа фойда келтириш энг олий мақсад бўлиши керак.

2025 йилнинг 30 июнь кунин Ўзбекистонда ёшлар сиёсати тарихига олтин ҳарфлар билан ёзилдиган кун бўлиб қолади. Президентимиз табриғи ҳар бир ёшнинг қалбига “Мен кимман? Мен нима учун яшайман?” деган саволларга жавоб топиб берди. Ёшларимиз Президентимизнинг мана бу оташин сўзларини қайта-қайта айтмоқда: **“Биринчи ва Иккинчи Ренессанснинг буюк аллома ва мутафаккирларимиз яратган бўлса, бутун тарих навбатини сизларга бермоқда. Ишонч кимил, сизлар барча соҳаларда мамлакатимизни байроғини бaлaнд кўтаришга қодирсиз. Сизлар — Янги Ўзбекистон бунёдкорлари сифатида янги тарих яратадиган олтин авлодсиз!”**.

Мустақиллигимиз 34 йиллиги Ўзбекистон ёшлари учун тараққиёт йили бўлди. Ислохотлар мамлакатнинг келажагини таъминловчи ёшларни ҳар томонлама етук инсонлар сифатида тарбиялашга бой имкониятлар яратди.

Нуктаи назар



Машхурбек ЖАЛОЛОВ,
иқтисодий фанлари бўйича
фалсафа доктори

Бошланиши 1-бегда

577 гектарни эгаллайдиган замонавий курортни барча фаслларда фаолият юритадиган, жаҳон даражасидаги дам олиш масканига айлантириш мақсад қилинган. Лойиҳа Ўзбекистондаги иқтисодий ислохотларга халқро ишонч ортиб бораётганини кўрсатади ва давлат-хусусий шериклик асосидаги келажакдаги лойиҳалар учун мустақам замин яратди. Лойиҳа очкилик ва ҳисобдорлик тамойиллари асосида амалга оширилган тақдирда “Sea Breeze Uzbekistan” барқарор ва инклюзив ривожланишнинг муваффақиятли намунаси сифатида мамлакат бўйлаб такрорланиши мумкин.

Лойиҳа Ўзбекистон иқтисодиётини диверсификациялаш ва минтақавий ривожланишни жадаллаштиришга катта ҳисса қўлади. Бугунги кунда иқтисодиётимиз, асосан, қишлоқ хўжалиги ва қазиб олиш санаятига таянади. “Sea Breeze Uzbekistan” эса юқори

“SEA BREEZE UZBEKISTAN” — Марказий Осиёда ягона ва ноёб лойиҳа

қийматга эга хизматлар, хусусан, туризм орқали янги дармад манбаларини шакллантиради. Бу маскан хорижлик сайёҳларини жалб этади ва бу орқали меҳмонхона, ресторан, дам олиш ва ҳашаматли хизматлар орқали валюта тушумини оширади. Товар экспортига нисбатан анча барқарор бўлган хизматлар экспорти ҳисобига тўловлар баланснинг хизматлар бўйича ижобий сальдоси қуяди, бу эса хусусий импортларни молиялаштириш, миллий валютани мустақамлаш ва ташқи қарз хизматини қоплашда ёрдам беради. Натияжада макроекономика барқарорлик ва молиявий мустақамлик кучаяди.

5 миллиард долларлик инвестиция ЯИМ ўсишини тезлаштириб, қурилиш, энергетика, транспорт ва телекоммуникация соҳаларида фаолиятини жонлантиради. Дам олиш мажмуасини қўллаб-қувватлаш учун зарур замонавий инфратузилма — автомобиль йўллари, коммуникациялар, рақамли алоқа тармоқлари нафақат лойиҳа ҳудудида, балки бутун минтақада ривожланишга хизмат қилади. Бу эса иқтисодиётини инвестицияларни жалб этиш орқали умумий иқтисодий фаоллигини оширади. Грузияда Бакуриани ва Гудаури каби курортлар муваффақиятли ривожланиши бунинг аққол мисолидир. Ўзбекистонда ҳам “Sea Breeze Uzbekistan” тоғли ҳудудларда янги инвестиция йўлакларини очили ва хорижий инвесторлар учун ишончли бозор муҳитини яратиши мумкин.

Лойиҳанинг муваффақият калитларидан бири интеграциялашган курорт модели бўлиб, у ҳашаматли туризмни барқарор инфратузилма ва маҳаллий жамоалар билан

уйғун ривожлантиришни кўзда тутди. Сейшел оролларидаги “Fregate Island Private” ва Филиппиндаги “Amanpulo” каби экологик курортлардан илҳомланган “Sea Breeze Uzbekistan” замонавий, атроф-муҳитга дўстона меъморлик ва бошқарув тамойилларини қўллайдди. Марказий Осиёда Қозғоғистоннинг Шимбулак курортини йил давомида фаол ишлайдиган мажмуага айлантирган тажриба юксак кўрсатадики, туризм соҳасига стратегик ёндашув барқарор иқтисодий фаолият манбаи бўлиши мумкин. Чорвоқ ҳам ушбу намуналар асосида ривожланиб, миллий ва хорижий сайёҳларни жалб етувчи етакчи масканга айланиши эҳтимоли юқори.

Лойиҳани муваффақиятли амалга ошириш учун муҳим экологик ва ижтимоий муаммолар ҳал этилиши керак. Чорвоқ сув омбори яқинида йирик қурилиш ишларининг экологик оқибатлари, айниқса, сув сифати ва биологик хилма-хилликка бўлган салбий таъсир эътибордан четда қолмаслиги лозим. Бунинг олдини олиш мақсадида лойиҳада оқова сувларни тозалашнинг юқори самарали тизими ўрнатилиши белгиланган бўлиб, барча чиқиндилар тўлиқ тозаланиб, миллий ва халқро экологик стандартларга мувофиқ ҳолда Чирчиқ дарёсига чиқарилади. Сув, ҳаво ва биологик қўрсаткичлар бўйича доимий мониторинг амалга оширилади. Шунингдек, экологик тоза материаллар, қайта тикланувчи энергия манбалари ва энергиятежамкор технологиялардан фойдаланилади.

Яна бир муҳим масала ерларни олиш жараёни ва аҳолининг кўчирилиши билан боғлиқ ижтимоий муаммолардир. Бундай



ҳолларда мулк ҳуқуқлари ва ижтимоий тенгликни таъминлаш зарур. “Sea Breeze Uzbekistan” қонуний асосда, очик ва шаффоф механизм орқали иш юритади. Зарарланган барча жиғимоний ва юридик шахсларга бозор баҳосида компенсация тўланади. Аҳоли вакиллари ўз эътирозини билдириши, компенсация шартларини текшириши ва адолатли муносабат талаб қилиш имкониятига эга бўлган иштирокчи механизм жорий қилинади. Барча ҳуқуқий жараёнлар ҳужжатлаштирилиб, очик эълон қилинади. Бу эса фуқароларнинг ишончини мустақамлаб, ижтимоий барқарорлиқни таъминлайди.

Лойиҳа маҳаллий иқтисодиётини ривожлантириш ва ҳудудий фарқларни камайтиришга

қаратилган махсус интеграция стратегиясини ҳам ўз ичига олади. Иш ўринларига биринчи навбатда Бўстонлиқ тумани ва унга яқин ҳудудлардан фуқаролар жалб қилинади. Меҳмондорчилик, қурилиш, хавфсизлик ва хизмат кўрсатиш йўналишларида касбий тайёрлов дастурлари йўлга қўйилди. Шу билан бирга, маҳаллий маҳсулотларга — янги сабзавотлар, суғ маҳсулотлари ва ҳунармандлик буюмларига талаб ортади, бу эса кичик ва ўрта бизнес субъектлари учун янги бозор имкониятини яратди. Инфратузилма — йўллар, электр тармоқлари ва жамоат жойлари курорт билан бир қаторда маҳаллий аҳолига ҳам хизмат қилади, бу эса яшаш шароитларини яхшилайдиган ва минтақавий боғлиқлиқни кучайтиради.

Қурилиш даврида минглаб вақтинчалик иш ўринлари яратилади, бу эса дармад манбаи бўлмаган ҳудудларда аҳоли учун катта имкониятдир. Курорт фойдаланишга топширилгач, юзлаб доимий иш ўринлари очилади. Транспорт, чакана савдо, туризм ўлчамлари каби соҳалар орқали билвосита иш ўринлари сони янада ортади. Ҳукумат томонидан қўллаб-қувватланган мақсадли тайёрлов ва ишга ёллаш дастурлари орқали маҳаллий аҳолининг бу имкониятлардан фойда олишини таъминлаш мумкин.

Лойиҳа дизайн, қурилиш ва эксплуатация босқичларида шаҳарсозлик, экологик ва меҳнат қонунчилиги ҳамда ҳуқуқий тартибга риоя этилишини назорат қилувчи давлат органлари — Вазирлар Маҳкамаси ва Бош прокуратура томонидан қатъий назорат остида бўлади. Бундай тизимли назорат экологик, ижтимоий ва иқтисодий хавфсизлигининг назарий эмас, балки амалда таъминланишини кафолатлайди.

Хулоса қилиб айтганда, “Sea Breeze Uzbekistan” лойиҳаси замонавий иқтисодий ривожланишнинг интеграциялашган моделини ифодалайди. Бу хусусий инвестицияларни давлат назорати, экологик барқарорлик ва ижтимоий инклюзивлик билан уйғунлаштириш ёндашувидир. Қатор муаммолар мавжуд бўлишига қарамай, улар аниқ, ўлчанадиган ва бажарилиши мумкин бўлган ечимлар орқали ҳал этилмоқда. Профессонал таҳлилчи сифатида таъкидлашим керакки, лойиҳанинг узоқ мuddатли манфатлари — валюта тушумлари ошиши, иш ўринлари яратиш, ҳудудий жонланиш ва экологик инновациялар мавжуд хавфлардан анча устун туради. Агар лойиҳа самарали амалга оширилса, “Sea Breeze Uzbekistan” Марказий Осиёда барқарор туризм ривожини учун илгор намуна бўлиши, Ўзбекистон бўйлаб шунга ўхшаш лойиҳаларга йўл очиб бериши мумкин. Натияжада мамлакат барқарор, диверсификациялашган ва инклюзив иқтисодиёт сари янада яқинлашади — бунда ўсиш фақат ЯИМ билан эмас, балки аҳоли турмуш даражаси ва умумий фаровонлик билан ўлчанади.

Мамлакат иқтисодиётини юксалтириш, аҳоли бандлигини таъминлашнинг муҳим омилларидан бири ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириш ва сифатини оширишдир. Шу маънода, Навоий вилоятида янги корхоналар кўпайиб, инвестиция жозибадорлиги ортмоқда. Бунни худудда кейинги саккиз йилда 8 миллиард долларлик 7 мингдан зиёд лойиҳа амалга оширилиб, 73 мингта иш ўрни яратилгани, тадбиркорлар сони 10 мингтадан 30 мингтага кўпайгани мисолида ҳам кўришимиз мумкин, албатта.

Президентимиз шу йил 7 август куни Навоий вилоятида ислохотлар натижадорлиги ва янги режалар муҳофазаси юзасидан ўтказилган йиғилишда аynи жиҳатларга тўхталиб, вилоятда мавжуд имкониятларни ишга солиш орқали иқтисодий барқарорлиқни таъминлашнинг устувор вазибаларини белгиллаб берди. Қайд этилганидек, вилоятда йирик саноат тармоқларидан ташқари яйловларни ўзлаштириш, чорвачилиқни ривожлантириш, хизмат турларини кўпайтириш бўйича имкониятлар катта. Масалан, вилоятдаги 3 миллион гектар яйловни оилалик. Қизилтепалик тадбиркор минг гектар яйловда ёмғирлатиб ва томчиллатиб сугориш технологиясини кўллаб, экспортбop эканлар етиштирмоқда.

транспорт, мебелъ ва интерьер, электроника, кўеъш панеллари, саноат конструкциялари учун алюминий профиль махсулотлари ишлаб чиқарилади ҳамда 30 дан зиёд давлатга экспорт қилинади.

— Дастлабки махсулотларни 2018 йилда ишлаб чиқарганмиз, — дейди корхона менежери Лола Грибова. — Йилдан йилга фаолиятимизни хорижий тажриба асосида

да”ти қарорида худудларда юқори кўшилган қийматга эга махсулотлар ишлаб чиқариш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун саноат майдонларини ташкил қилиш назарда тутилган. Қолаверса, тадбиркорларнинг тўлиқ, узлуксиз фаолият юртишини таъминлаш, муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини яратиш, инвесторлар фаолиятини кўллаб-қувватлаш белгиланган.

йўллар куриб берилди. Яратилган имкониятлар ўзини оқламоқда. Саноат зоналаридаги тадбиркорлар фаолиятини йилдан йилга кенгайтирмоқда. Экспортбop ва импорт ўринини босувчи махсулотлар ишлаб чиқариш кўламини кенгайтирмоқда. Аҳолининг бандлик даражаси ошмоқда.

Яқинда Туркия технологияси асосида “Яшил дон” ун ишлаб чиқариш корхонаси

Ана шундай истиқболли инвестиция лойиҳаларидан яна бири “Ишонч гилам” корхонасидир. У Навоий эркин иқтисодий зонасидаги имтиёزلардан унумли фойдаланиб, йил сайин ишлаб чиқариш суръатини оширапти. Шу орқали вилоятнинг иқтисодий-ижтимоий ривож, экспорт салоҳияти ўсишига ҳисса қўшмоқда. Муҳими, корхонада 500 нафарга яқин киши доимий даромадли иш билан банд. Халқаро мувофиқлик сертификатларига эга гиламлар хорижда ҳам харидордир.

— Бир йилда 2 миллион долларлик махсулот экспорт қиламиз, — дейди корхона директори Шерзод Насруллаев. — Фаолият бошланган пайтимиз ишлаб чиқариш хомашёсининг 90 фоизини хориждан сотиб олардик. Айни вақтда хомашёнинг 95 фоизини маҳаллийлаштирдик. Бу, албатта, махсулот танархнини арзонлаштирди. Шунингдек, замон талабига кўра, гиламлар турини кўпайтириб, сифатини ошириб борапмиз.

Дарҳақиқат, маҳаллийлаштириш дастури асосида шу кунгача импорт қилинаётган ип махсулоти бутун корхонанинг ўзида тайёрланмоқда. Қолаверса, чиқинди газларни қайта ишлаш орқали олинаётган хомашё туфайли атроф-муҳит ҳимоясига ҳисса қўшилмоқда. Замон билан ҳамнафас ривожланган корхонада малакали дизайнерлар жамoаси фаолият юртида. Жамoа 3000 га яқин гилам дизайнини ишлаб чиққан.

2025 йилда Навоий вилоятида 2 миллиард доллар инвестиция жалб қилиш ҳамда маҳаллий тадбиркорлар фаолиятини кенгайтириш режа қилинган. Натигада 140 мингта иш ўрни очилади ва 10 минг оила камбағалликдан чиқарилади. Ўшбу маррани забт этишда

чора-тадбирлари тўғрисида”ти қарори ҳам вилоятда инвестиция муҳити жозибадорлигини оширишда муҳим ўрин тутмоқда. Масалан, шу ҳужжат асосида 7 миллион долларлик лойиҳани тақдим этган хитойлик инвесторлар 20 миллион долларлик инвестиция киритди. Натигада Навоий шаҳридаги эркин иқтисодий зонада энг йирик гранит тошларнинг қазиб олиш ва қайта ишлашга мўлжалланган “Tyncheng Stone” корхонаси ишга туширилди. Ўшбу корхона илк махсулотини 2021 йилда сотувга чиқарган эди. Ҳозир корхона махсулотининг 80 фоизи экспорт қилинмоқда. Қолган 20 фоизи маҳаллий бозорга етказиб берилади.

— Корхонамиз 2021 йилдан бери ички ва ташқи бозорга гранит махсулотларини сотиб келади. Шу вақтга қадар 50 миллион долларлик махсулот экспорт қилдик, — дейди корхона менежери Ю Шин. — Ўтган йили 17 миллион долларлик, 2025 йилнинг илми йиллигида эса 11 миллион долларлик гранит махсулотларини Россия, Тожикистон, Қозоғистон, Қирғизистон каби давлатлардаги харидорларга етказиб бердик. Ички бозорга эса 40 миллиард сўмлик махсулот сотилган. Ҳозир корхонамизда мингга яқин ишчи ишлайди. Икки давлат ўртасидаги дипломатик алоқалар йил сайин мустақамлашиб бораётгани биз, тадбиркорлар учун қулай бизнес муҳити яратилишида муҳим омил бўлмоқда. Ҳеч иккиланмай, қайта ва қайта сармоя киритиб, фаолиятимизни кенгайтириб борапмиз. Бу эса Ўзбекистон саноати ривож, махсулотларнинг экспорт ҳажми ошиши ва аҳоли бандлигини таъминлашга ижобий таъсир кўрсатаётганидан мамнунмиз.

“Tyncheng Stone” корхонасининг иккинчи филиали 2023 йил августда иш бошлади. Натигада ишлаб чиқариш, экспорт ҳажми кўпайди. Корхона филиали 2024 йилда махсулотининг 90 фоизини экспорт қилган эди. Ҳозир махсулот тўлалигича хориж бозорига чиқариляпти. Эътиборлиси, ишлаб чиқариш ҳажми ҳам кўпайган. Ўтган йили кунлик ишлаб чиқариш қуввати 3500 квадрат метр эди. Ҳозир бу кўрсаткич икки баробар ошган. Ўшбу филиалда 200 дан ортиқ одам иш билан банд.

Талаб даражасидаги гранит тошларини ишлаб чиқариш фақат корхонадаги кесиш, қайта ишлаш жараёнидангина иборат эмас. Тоғ бағридаги қарьердан тошни қазиб олиш, олис масофадаги корхонага етказишдек мураккаб жараён ҳам бор. Хатирчи туманидаги 24 гектарли қарьерда 20 га яқин техника ҳамда тош кесиш учун 10 та йирик ҳажмли махсулус ускуна ишлатмоқда. У ерда 70 киши иш билан таъминланган. Кондан гранит тошлари қазиб олиниб, керакли ҳажмда кесилсади ва Навоий шаҳрига етказиб берилади.

Ҳозир корхона томонидан 35 гектарда 30 миллион долларлик инвестиция маблағи асосида Хитой саноат технопаркинги куриш ишлари бошланган. Бу ердаги ишлар тўлиқ якунига етгач, бир нечта ишлаб чиқариш корхонаси ишга туширилиши эвазига саноат ҳажми кенгайиб, 5000 та иш ўрни очилади.

Яқинда Хатирчи туманида умумий қиймати 10 миллион долларлик “YOUKANG FEED” корхонаси ишга туширилди. Ўшбу лойиҳа курилишига Президентимизнинг 2024 йилда вилоятга таширфи доирасида старт берилган эди. Бугун лойиҳа тўлиқ ишга туширилган бўлиб, йилгига 21 минг тонна балиқ еми ишлаб чиқариш қувватига эга. Бу эса худудда балиқчиликни ривожлантиришга хизмат қилади.

— Жорий йилнинг биринчи чорагида вилоятимизда 269,5 миллион долларлик хорижий инвестиция ўзлаштирилиши белгиланган. Ўшбу режа 110 фоиз бажарилди, — дейди Навоий вилояти инвестициялар, саноат ва савдо бошқармасининг инвесторлар билан ишлаш шувбаси бошлиғи Жонибек Норбутов. — Соҳалар бўйича таҳлил қилсак, асосий инвестиция қимё ва курилиш материаллари саноатига тўғри келмоқда.

Халқаро ҳамкорлик мамлакатининг ҳар томонлама тараққиёти этишга хизмат қилади. Аввало, жаҳон стандартларига мос технология кириб келади. Бу орқали дунё бозорига кенг йўл очилади. Товар ишлаб чиқариш ҳажми ошиши ривожланган давлатлар билан иқтисодий муносабатларни мустақамлашди.

Бугун янги Ўзбекистонда инвестиция муҳити жозибадорлигини таъминлаш учун яратилаётган инфратузилма ва имтиёزلар ана шундай самара бермоқда. Буларнинг барчаси эса ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизга ижобий таъсир қилиб, инсон қадрини улуғлашга хизмат қилмоқда.

Ғолиб АБДУСАЛОМОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ДУНЁ БОЗОРИНИ ЗАБТ ЭТИШ ЙЎЛИДА

НАВОИЙ ВИЛОЯТИДАГИ ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ ҚАНДАЙ САМАРА БЕРМОҚДА?

Энди чорвачилиқни йўлга қўйиб, сутни қайта ишлаш ташаббусини билдирган.

Бу каби ташаббусларни кўллаб-қувватлаш, мавжуд имкониятларни юзага чиқариш учун Навоий вилоятида ҳам “Ислохотлар штаби” тузилган. Йиғилишда тадбиркорларнинг тақлифлари асосида ишлаб чиқилган янги лойиҳалар тақдимот қилинди.

Жумладан, Ғозгон шаҳри, Нурота, Хатирчи, Навбаҳор ва Учқудуқ туманларидаги 8 та конга инвесторлар 566 миллион доллар сармоя киритишга тайёрлигини билдирган. Натигада саноат ҳажми 2,5 триллион сўмга, экспорт 100 миллион долларга кўпайди.

Шу ўринда таъкидлаш ўринлики, вилоятда инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, ишлаб чиқариш ва экспортни йўлга қўйишда эркин иқтисодий зоналар фаолияти жуда муҳим. Юртимизда илк бор ташкил этилган Навоий эркин иқтисодий зонаси 644,1 гектарда жойлашган. Ундаги 83 та корхонада 7,5 мингга яқин киши даромадли иш билан банд. Шунингдек, ҳозир бу ерда қиймат 2 миллиард 585 миллион долларлик 94 та лойиҳа ишга туширилган. Бундан ташқари, 200 гектарга яқин ерда ташкил этилган Навоий кичик саноат зонасида ҳам аynи вақтда истиқболли лойиҳалар амалга оширилмоқда.

2019 йилда бутун вилоят худуди эркин иқтисодий зона сифатида эътироф этилди. Табиийки, худудларда солиқ ва боғжона тизимидаги имкониятлардан фойдаланиб, фаолиятини кенгайтиришни мақсад қилган резидентлар сони ҳам кўпайди. Бу ўз-ўзидан ишлаб чиқаришда сифат ва самарадорликка ҳам хизмат қилапти. Экспортбop ҳамда импорт ўринини босувчи махсулотлар ишлаб чиқариш кўламини тобора кенгайиб бормоқда. Дунё бозорига “Ўзбекистонда ишлаб чиқариш” бренди остидаги товарлар хилма-хиллиги ошмоқда. Қолаверса, маҳаллий тадбиркорлар орасида ҳам соғлом рақобат кучайди.

Вилоятда 2017 йилдан “Bepcam” алюминий профиль ишлаб чиқариш корхонаси фаолият юрита бошлади. Корхона ўтган йилларда иш кўламини кенгайтириш эвазига қўшимча иш ўринларини яратмоқда. Ҳозир 100 минг квадрат метрдан ортиқ майдонни эгаллаган корхонада 1342 ишчи-ходим меҳнат қилади. Европа ва Жанубий Корея технологиялари асосида курилиш, машинасозлик,

кенгайтириб бордик ва экспорт географияси ҳам кенгайди. Ҳозир қатор давлатларга махсулотимизни экспорт қилишга эришдик. Товарларимиз 10 та халқаро стандарт бўйича сертификат олган. Жорий йилда олти ойлик тайёргарликдан сўнг АҚШ стандартлари бўйича сертификат олишга эришдик. Бу — жуда катта ютуқ. Чунки Марказий Осиёда бундай сертификатни кўлга киритган ягона корхона бўлдик.

Албатта, бугун шаҳарсозлик меъёрлари, архитектуранинг жаҳон андозаларига мос, ўзгача дизайнини яратишда алюминий профиль махсулотига талаб ошмоқда. Жумладан, тадбиркорлик объектлари ва дам олиш масканларини барпо этиш, енгил конструкцияли бино-ишоотлар куришда алюминий профилдан кенг фойдаланилмоқда. Қолаверса, мебелларни қўшимча жиҳозлар билан безаш, машинасозлик ва бошқа соҳаларда ҳам ушбу махсулотга эҳтиёж мавжуд. Бу катта бозор бор дегани. Яъни махсулотлар йилда икки марта халқаро ҳамкорлар томонидан аудит назоратидан ўтказилиб, халқаро мувофиқлик сифат сертификатларига эга бўлиши, дунё бозорига қиқшии учун янада кенг йўл очади.

Ишдаги унум ва самарадорлик ишчи-ходимларга яратилган муносиб меҳнат ва дам олиш шароити билан ҳам боғлиқ. Нафақат махсулот ишлаб чиқариш, балки жамoанинг бўш вақтинини мазмунли ўтказиши ҳам жиддий эътиборда. Қолаверса, ишчилар ишга келиб-кетиш, дам олиш, овқатланиш учун яратилган шароитдан мамнун.

Президентимизнинг 2022 йил 6 июндаги “Худудларда махсус иқтисодий ва кичик саноат зоналарини ташкил қилиш ва уларни муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғриси-

Шу асосда Навоий эркин иқтисодий зонаси худудида дастлаб 28 та кичик ва ёшлар саноати ҳамда тадбиркорлик зонаси ташкил этилди. Бунинг учун қарийб 200 гектар ер ажратилди. Унинг 57,5 гектари инфратузилма объектлари ва 132 гектардан кўпроқ қисми тадбиркорлик лойиҳаларини амалга ошириш учун тақсимланди. Президент қарорига асосан, саноат зоналарида тадбиркорларга қулайлик яратиш мақсадида 107 миллиард сўмлик ташқи муҳандислик тармоқлари тортилди. Яъни электр энергияси, табиий газ, ичимлик ва оқова сув таъминоти йўлга қўйилди, ички

ишга туширилди. Натигада 50 га яқин иш ўрни очилди. Корхона бир кунда 150 тонна донни қайта ишлаб, 130 тонна унни бозорга йўналтиради. Ҳозир корхона махсулоти юртимизнинг барча худудида сотилляпти. Келгусида экспортга чиқариш ҳам режа қилинган. Албатта, тадбиркорга берилган имконият фаолиятини кенгайтиришда қўл келади. Бу билан у ишлаб чиқаришни ривожлантириб, аҳоли фаровонлигига ҳисса қўшади. Қолаверса, бозорда соғлом рақобат шаклланиб, махсулот сифати ошади, нарх-наво барқарор бўлади.



“Вилоятда инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, ишлаб чиқариш ва экспортни йўлга қўйишда эркин иқтисодий зоналар фаолияти жуда муҳим. Юртимизда илк бор ташкил этилган Навоий эркин иқтисодий зонаси 644,1 гектарда жойлашган. Ундаги 83 та корхонада 7,5 мингга яқин киши даромадли иш билан банд.

Ўқув машғулоти



Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманида парвозларнинг қидирув-қутқарув фаолиятини кўллаб-қувватлаш бўйича идораларо кенг кўламли ўқув машғулотлари бўлиб ўтди. Мудофаа вазириликнинг десантчиларни тайёрлаш марказида ўтказилган машғулотда шартли авиафалокат оқибатлари бартараф этилди.

Ўқув машғулоти режасига мувофиқ, йўловчи самолёти қўнишга яқинлашганда ҳаво диспетчери ва экипаж ўртасидаги алоқа

узилиб қолади. Самолёт Тошкент шаҳрига етмай авиафалокатга учрайди. Натигада ён-ғин чиқади, қурбонлар ва жароҳатланганлар

бор. Диспетчерлар фавқулодда вазият ҳақидаги маълумотларни зудлик билан аэропортнинг авария-қутқарув хизматига узатади. Улар эса, ўз навбатида, бошқа хизматларга хабар беради. Қутқарув амалиёти бошланади.

Симуляцион фавқулодда ҳолат оқибатларини бартараф этиш учун 250 га яқин мутахассис ва идораларо тузилмаларнинг 20 та махсус техникаси жалб қилинди. Фавқулодда вазиятлар, Мудофаа, Соғлиқни сақлаш, Ички ишлар вазириликлари, Миллий гвардия ҳамда “Uzbekistan Airports” АЖ ҳамкорлигида ташкил этилган машғулотлар доирасида қутқарувчилар ўз гуруҳларининг тайёргарлиги, ёнгинини ўчириш жараёнида мувофиқлаштириш, одамларни эвакуация қилиш, жабрланганларни жароҳатининг оғир-енгиллигига қараб тақсимлаш, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш ва жароҳатланганларни тиббиёт



муассасаларига етказиш, шунингдек, самолёт бортидаги хавфли юкни эвакуация қилиш бўйича ишлади.

“Uzbekistan Airports” АЖ аэропорт худудидаги машғулотлардан ташқари йилгига бир неча бор аэропортлар ташқарисида ҳам бундай комплекс ўқув тадбирларини ўтказди. Бундан кўзланган асосий мақсад — авиафалокат содир бўлган тақдирда қатор вазирилик ва идоралар, Тошкент аэропортининг бўлинмалари ўртасида ўзаро ҳамкорликда ҳаракатланишни таъминлаш, авиафалокат оқибатларини бартараф этиш бўйича зарур чора-тадбирлар кўриш ҳамда ходимларнинг фавқулодда вазиятларга тайёргарлигини оширишдан иборат.

Ўқув машғулоти жараёнида машқларнинг барча босқичи батафсил ўрганилди ва таҳлил қилинди. Натигажи бўйича бўлим ва идоралар ўртасида ҳамкорлиқни мустақамлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тадбир якунида “Тошкент” аэропорти ҳамда тегизиш идораларнинг куч ва воситалари тайёргарлиги юқори баҳоланди, фавқулодда ҳолат содир бўлган тақдирда тезкор чоралар кўришга тўлиқ тайёр экани эътироф этилди.

“Uzbekistan Airports” АЖ
маъбулот хизмати

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАРАҚҚИЁТИ

ЭНГ ҚУЙИ ВА НОЗИК БЎГИННИ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРГА АЙЛАНТИРАДИ

Ватан учун, миллат учун, халқ учун!

Узоқ йиллар болалар боғчасида тарбиячи бўлиб ишлаган онахон бундай деганди: “Бир аёл 3 ёшли ўғлини ҳар кун оёқ тираб, дод солиб йиғлашига қарамай, боғчага ташлаб кетаверди. Бола бир ой деганда кўнди, йиғламай, ўз истаги билан келадиган бўлди. Бошқа бир аёл эса эрка боласининг кўнглига қараб, уйда мактаб ёшига етказди. Ҳар иккисининг фарзанди биринчи синфга борди. Боғча кўрган бола биринчи кунданок мактабга меҳр қўйибди. Уйда тарбияланган ҳалиги боланинг онаси эса анчагача фарзанди билан бир партада ўтириб, бирга ўқиди. Боланинг мактаб муҳитига, жамоага ўрганиб, ҳарф таниб кетиши жуда қийин кечган. Ўқитувчи ҳам роса қийналган. Ўша пайтларда кўплаб болаларда шундай ҳолат кузатиларди”.



Муножат МЎМИНОВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Ҳа, яқин-яқингача ҳам боғча кўрмай мактабга борадиган болалар сони кишини хавотирга соларди. Юзлаб маҳаллада болалар боғчаси йўқлигидан минглаб бола боғча нималигини билмай ўсди. Борларининг ҳам биноси эскирган, поли ўпирилган, гуруҳлар йўқлиги туфайли бўшаб ётарди. Бугун эса ота-оналар боғчага борган ва бормаган боланинг ривожланишида сезиларли фарқ борлигини тушуниб етди. Энди мажбуриликдан эмас, боланинг келажаги учун боғчага мурожаат қилинган. Рост-да, қанчалик шоҳона шароит яратманг, қанчалик парвона бўлманг, уйингизда боғчадаги муҳитни яратолмайсиз. Мактабга таълим ташкилоти эса инсон камолотининг илк босқичи, дастлабки жамоавий кўникмалар, билимлар шаклландириш маскан. Шу маънода, янги Ўзбекистонда мактабга таълим тизimini ривожлантириш йўлидаги ишлар қамровни оширишдан



бошланди. Муболага эмаски, бугун мактабга таълим — ислохотлар самараси сезилётган, туб бурилишга юз тутган соҳалардан бири.

Тизим тарихида бўлмаган амалиётлар

Охириги маълумотларга кўра, қарийб 40 миллион нуфусли мамлакатимиз аҳолисининг 3,2 миллиони 3-7 ёшли болалардир. Уларнинг мактабга таълимга қамраб олинганлик кўрсаткичи эса 78 фоизга яқинлашди. 7-8 йил аввал бу кўрсаткич 30 фоизга ҳам етмаганига баъзилар ишонмаслиги табиий. Бироқ амалий натижалар қисқа муддатда шундай суръатда силжиш мумкинлигини кўрсатди.

2017 йилда Мактабга таълим вазирлиги ташкил этилган, қандай бўлмасин, таълимнинг энг қуйи бўғинига қамровни оширишга жадал қилинган. Давлат мактабга таълим ташкилотлари (МТТ)нинг ўзи билан бугунга эришиб бўлмасди, албатта. Шу боис, тизимда ҳусусий секторга кенг йўл очилди. Оилавий, хусусий, давлат-хусусий шериклиги (ДХШ) асосидаги мактабга таълим ташкилотлари фаолияти йўлга қўйилди. ДХШнинг биринчилардан бўлиб шу тизимда ташкил этилиши давлат қарорига ҳам имкон берди. Субсидиялар, имтиёзли кредитлар ажратила бошлашга, кўплаб тадбиркорларда МТТ ташкил этишга қизиқиш уйғонди. Вилоятларда ҳам пойтахтдагидан қолишмайдиган, энг замонавий боғчалар кўпайди. Бу борада Президентимизнинг 2021 йил 10 июндаги

қарорини эътиборга олганда, таълимнинг энг қуйи бўғинига қамровни оширишга жадал қилинган. Давлат мактабга таълим ташкилотлари (МТТ)нинг ўзи билан бугунга эришиб бўлмасди, албатта. Шу боис, тизимда ҳусусий секторга кенг йўл очилди. Оилавий, хусусий, давлат-хусусий шериклиги (ДХШ) асосидаги мактабга таълим ташкилотлари фаолияти йўлга қўйилди. ДХШнинг биринчилардан бўлиб шу тизимда ташкил этилиши давлат қарорига ҳам имкон берди. Субсидиялар, имтиёзли кредитлар ажратила бошлашга, кўплаб тадбиркорларда МТТ ташкил этишга қизиқиш уйғонди. Вилоятларда ҳам пойтахтдагидан қолишмайдиган, энг замонавий боғчалар кўпайди. Бу борада Президентимизнинг 2021 йил 10 июндаги

“МТТ ташкил этишга қизиқиш уйғонди. Вилоятларда ҳам пойтахтдагидан қолишмайдиган, энг замонавий боғчалар кўпайди. Бу борада Президентимизнинг 2021 йил 10 июндаги “Қамров даражаси паст бўлган туманларда мактабга таълим ташкилотлари тармоғини кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори дастуруламал бўлди. 2017 йилда боғчалар сони 5200 тани ташкил этган бўлса, бугун улар сони 38 мингга етказилди.



нодавлат мактабга таълим ташкилоти фаолияти йўлга қўйилиши натижасида 20 мингдан ортиқ ишсиз аёлнинг бандлиги таъминланди.

2030 йилга бориб мактабга таълимга болаларнинг 80,8 фоизини қамраб олиш режалаштирилганини инобатга олсак, маррага яқинмиз. Бироқ давлат сиёсатининг устувор йўналиши даражасига кўтарилган мактабга таълим бўйича қўзланган манзилнинг қайси нуқтасидами? Сонинг ортиши сифатга таъсир кўрсатмаётганими?

Янгиланган дастурлар, замонавий ёндашувлар

Давлатимиз раҳбари шу йил 15 май куни мактаб таълими тизимидagi ислохотлар самарадорлигини янада ошириш бўйича устувор вазифалар муҳофазаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида болалар боғчалари нафақат тарбия, балки таълим

“Мактабга таълимга қамраб олишда янги ёндашувлар, муқобил шакллар, тизим тарихида бўлмаган амалиётлар қўлланди. Хусусан, МТТ қуриш имкони бўлмаган ҳудудларга қайта жиҳозланган “ISUZU” автобуслари негизда “Ақлвой” мобил мактабга таълим ташкилотлари кириб борди. 2021 йил январиди фаолият юрита бошлаган “Ақлвой” гуруҳлари дастлаб 16 та автобусда ташкил этилиб, барча ҳудудга тақсимланди.

олиш учун илк кўникмаларни шакллантирадиган масканга айланиши зарурлигини таъкидлади. Юртимизда олти ёшли болаларнинг 96 фоизи мактабга тайёрлов гуруҳларида қамраб олинган, кейинги йили бу рақам 100 фоизга чиқishi айтилди. Бунинг аҳамияти шундаки, мажбурий бепул тайёрлов гуруҳлари бевосита мактабга таълим билан шакллантирилади. Болаларни математика, табиий фанлар ва технология йўналишида танқидий ва креатив фикрлашга ўргатадиган дастурлар ишлаб чиқишидан қўзланган мақсад ҳам мактабга тайёргарлик сифатини сезиларли даражада яхшилашдир.

Шу кунгача МТТларда таълим дастурлари янгиланган, ўқув-тарбия жараёни замонавий педагогик ёндашувлар асосида қайта қўриб чиқилган эди. STEAM, интерактив методлар ва эркин ўйинларга асосланган ёндашувлар жорий этилди. Келгуси 4 йилда Косонсой ва Тойлоқ туманлари таълим бўлими асосида барча туман (шаҳар) да босқичма-босқич ҳар йили ўртача 50 тадан “Илк ривожланиш марказлари” фаолияти йўлга қўйилади. Ушбу марказларга мактабга таълим билан қамраб олинмаган, кам таъминланган, алоҳида таълимга эҳтиёж бўлган оилалар фарзандлари 2 та модель асосида қабул қилинади.

Бугун боғчаларда инклюзив таълимни ривожлантиришга муносабат ҳам тубдан ўзгарди. Ногиронлиги бўлганлар учун махсус гуруҳлар, логопед, дефектолог ва психолог хизматлари кенгайтирилди. Жорий йил январидан бошлаб туман (шаҳар)лардаги биттадан давлат мактабга таълим ташкилотига инклюзив гуруҳлар тузилиб, уларда ишловчи педагог ва мутахассислар 10 фойздан 30 фоизгача қўшимча ҳақ тўлаш тартиби жорий этилди. Бу энг хайрли ишлардан бўлиб, кўп оилалар боласига қаратилаётган эътибордан бенаҳор руҳланипти. Фарзанди одамлар орасида эмин-эркин юриши, эртага жамиятда ўз ўрнини топишига умид боғлапти. Зеро, бугун МТТлар жамоаси таълим олиш учун илк кўникмалар мустаҳкам шакллантирилиши кераклигини чуқур англапти. Улар болаларнинг ёш хусусиятини ҳисобга олган ҳолда тўлиқ ривожланиш таянч компетенцияларга асосланган таълим-тарбия беришга киришди.

Тизим тараққиёти йўлида Жанубий Корея, Хитой, Россия, Япония, Сингапур, Туркия, Польша ва бошқа илгор мамлакатлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилди. ЮНИСЕФ, Жаҳон банки, Ислам тараққиёт банки ва бошқа халқаро ташкилотлар билан қўшма лойиҳалар амалга ошириляпти. Жумладан, ЮНИСЕФ билан ҳамкорликда турли ёшдаги 20 та мактабга таълим гуруҳига 496 бола қамраб олинди. Жаҳон банки билан ҳамкорликда Косонсой ва Тойлоқда илк ривожланиш марказлари очилиб, уларга 1535 та оила ва уларнинг 1712 боласи жалб



этилди. “Болалик академияси” (“bolaakadem.uz”) рақамли платформаси қайта қўриб чиқилиб, мактабга таълим соҳасига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, мактабга таълимнинг янги шакл ва усуллари, инновацион ахборот технологияларидан самарали фойдаланиш бўйича методик тавсиялар жойлаштирилди. Амалдаги “Илк қадам” давлат ўқув дастури ЮНЕСКОнинг XXI аср намунавий таълим дастурлари асосида халқаро экспертлар билан ҳамкорликда қайта қўриб чиқилди. Франциянинг инновацион платформаси ёрдамида Тошкент шаҳридаги 12 та давлат мактабга таълим ташкилотидagi 5-6 ёшли 997 болага француз тили бепул ўргатилляпти.

чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида кўра, Мактабга таълим таълими вазирлиги, унинг тизимидаги агентлик ҳамда марказлар, ҳудудий ва туман (шаҳар) бўлиммалари ходимларининг кўп йиллик хизмати учун рағбатлантириш тизими жорий этилади. Агар МТТ директорлари бошқарувчанлик, менежерлик қобилиятини ривожлантириш учун ташкил этилган курсларда ўқиб сертификат олса, шу йил сентябрдан маошига қўшимча 30 фоиз устама олади. Бу изланувчан, тадқиқовкор, ижодкор раҳбарлар 7-8 миллион сўм маош олиши мумкин дегани. “Йилнинг энг яхши тарбиячиси” танловида 1-, 2-ўрин эгаллаган тарбиячилар ўзи ашайдиган



ҳудуддаги олийгоҳларга мактабга таълим йўналиши бўйича грант асосида қабул қилинади. Бу уларда касбга муҳаббатни ошириши баробарида, болаларни севиш хислатини ҳам кучайтирса, ажаб эмас.

Умуман олганда, инсонни қадрлашга қаратилган сиёсат бугун мактабга таълим тизими ходимлари ҳаётига ҳам кириб бориши учун ҳаракат қилинляпти. Бунга жавобан эса соҳа ходимларидан ҳам ишонччи оқлаш талаб этилади. Ижтимоий тармоқларда кузатилаётгани каби салбий ҳолатларга сабаби бўлмаслик учун ҳам энди чинакамига ишлаш керак.

— Айрим боғчаларда кузатилаётган бундай вазиятлар бугун мактабга таълим тизимига сая солишини истамиз. Вазирлик бу каби кўнгилсизликларни тўла бартараф этиш ва олдини олишга қаратилган янги чора-тадбирларни мунтазам амалга оширади. Мутахассислар, психологлар билан жараён ўрганилиб, ходимлар ўртасида психологик сўровномалар ўтказилляпти. Тошкент шаҳридаги дастлабки сўров натижалари педагогларнинг стрессга чидамлилиги пастлигини кўрсатди. Аксарият педагогларда ўзини ўзи бошқариш қобилияти йўқ. Бундай вазиятларда мутахассислар психологлар билан ҳамкорликда педагогларга психологик семинар-тренинглар ўтатишти, — дейди Мактабга таълим таълими вазирлигининг мактабга таълим тизими фаолиятини мувофиқлаштириш департаменти бўлим бошлиғи Гулбаҳор Парпиева.

Ҳа, бугун ҳамма соҳага, айниқса, мактабга таълим тизимига профессионал, фидойи кадрлар керак. Зеро, пойдевор мустаҳкам қурилмас, оқибати барчага маълум. Шу маънода, боғча тарбиячиларини тайёрлайдиган олийгоҳлар билан доимий ҳамкорлик ўрнатилган, мунтазам малака ошириш курслари ўтказилляпти, хорижий мутахассислар жалб этиляпти. Президентимизнинг 2024 йил 30 августдаги фармонида бинаоан узоқ ва чекка ҳудудлардаги мактабга таълим ташкилотлари педагоглари учун аудитори кўринишидаги 4 та автобус негизида мобил малака ошириш хизматлари ташкил этилиши ҳам таълимнинг энг қуйи бўғини, асосий халқаси бўлган мактабга таълим тизимининг эртасига хизмат қилади.

Бугун мактабга таълим тизими ҳам жадал рақамлаштирилляпти. Ўзингиз ўйланг, биргина МТТга қабул жараёни рақамлашгани халққа қанчалар қулайлик берди. Энди эса “Болалар боғчаси” ахборот тизимида Тошкент шаҳридаги барча давлат мактабга таълим ташкилотларида биометрик идентификация қилиш технологиясини қўллаган ҳолда ходимлар ва тарбияланувчиларнинг электрон давоматини юритиш, иш вақти табелини шакллантириш, тарбияланувчиларнинг озик-овқат ҳаражати натури шаклида ҳисоблаш, ойлик бадал ҳамда бошқа тўловлар автоматлаштирилган тарзда ҳисобланыпти. Тизим олдида йил якунига қадр қилинадиган талайгина ишлар турибди. Чунончи жорий йилда 1000 та оилавий нодавлат МТТ ташкил қилиш, бунда камбағаллик даражаси юқори бўлган маҳаллардан танланиб, 37 минг болани қамраб олиш мақсад қилинган. 337 та бепул мажбурий тайёрлов гуруҳига жалб этиш орқали қамров кўрсаткичи 8816 га юқорилайди. 182 та давлат МТТнинг янгидан қурилиши, таъмирталаблари реконструкция қилиниши билан 24 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилади. Автобуслар орқали яна 2500 га яқин бола боғча таълимини олади. Хуллас, вазифалар кўп, иш қизғин.

Мактабга таълим ва мактаб таълими вазирлигидан чиқар эканман, умрининг 30 йили тарбиячиликда ўтган Сиддиқа ая Ёқубова билан бекатта қадрлар ҳамсуҳбат бўлиб қолдик. Ая англашмимовчилик сабаб набирасининг навбати чўзилаётганини тушуниб етганини айтди. Сўхбат чоғи унинг қўйидаги қиёсларини мақолага ҳулоса қилишни йўлга қўйгандим: “Бугун болалар боғчаларида ишлаётганларга ҳамма шароит етарли. Биз қанчалар болаларни севмайлик, фидойи бўлмайлик, боғча тарбиячисида бугунгидек эътибор, бунақанги имтиёзлар, рағбатлар бўлмаган. Маошимиз жуда кам эди. Шундай бўлса-да, туни билан оддий оқ қозғондан, сомондан, тахтачалардан кўргазмалар қурулар тайёрлаб келардик. Матоларнинг қирқимидан ўйинчоқлар тикардик. Ҳозир эса ҳаммаси муҳайё, ходимлар биз каби қийналмайди. Қани энди, ёшлимни қайтиб келса-ю, эндигина ишга кирган боғча опа бўлиб қолсам!”

